

Бизлар ким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «Оптом мебел» МЧЖ раҳбари И.Мирзашарифов келгусида «Таъминотчи» деб номланади ва иккинчи томондан Мархамат туман Халқ таълими бўлими (27-мактаб опен бюджет) мудирини Э.Қорабоев келгусида «Буюртмачи» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий кийматидан ошмаган суммадаги куйида келтирилаётган махсулотларини етказиб бериш, «Буюртмачи» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Махсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Киймати
1	Стул	Дона	100	245000	24 500 000
2	Шкаф (хужжат учун)	дона	30	695000	20 850 000
3	Шкаф (кийим учун)	дона	10	645000	6 450 000
4	Мебел (актив зал учун)	дона	3	3800000	11 400 000
5	Кресло (3 талик)	дона	82	1255000	102 910 000
6	Стул (писменний)	дона	60	499000	29 940 000
	<b>Жами</b>				<b>196 050 000</b>

### 2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган товар махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий кийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификатидан утказилган бўлиши лозим.

### 3. ШАРТНОМА КИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси Кушимча киймат солигисиз **196 050 000 (Бир юз тўқсон олти миллион эллик минг) сўмни** ташкил этади.

3.2. Хисоб китоб «Истеъмолчи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, тасдиқлангандан сўнг 5 банк иш кунинда «Буюртмачи» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тариқасида «Таъминотчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4. Қолган охириги 70% «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб варақ фактуралари асосида маблаг 30 банк иш кунинда ўтказиб беради.

3.5. «Буюртмачи» томонидан 30% олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 5 банк иш кунини давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Буюртмачи» га етказиб беради.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Таъминотчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Етказиб берилган товар махсулот олдиндан ҳақ туланиши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тула ҳажмда узил-кесил хисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб қилиш;
- Берилган буюртманомасига мувофиқ етказиб берилган товар махсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «Таъминотчи» куйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида етказиб бериш;
- Агар товар махсулотни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул тузатиб бериш;

4.3. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомасига мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотни етказиб берилишини талаб қилиш;
- Баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

4.4. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:  
- уз буюртманомаси бўйича етказиб берилган товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. «Буюртмачи» нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.4. «Буюртмачи» муддатлари бузилган ҳолда етказиб берилган товар махсулотни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

5.5. Етказиб берилган товар махсулот бевосита «Буюртмачи» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Буюртмачи» нинг буюртманомасида курсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.7. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товар махсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»нинг буюртманомасида курсатилган сана бошланишидан қаида 1-кун олдин хабардор қилади.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилаётган товар махсулот сифати микдори «Таъминотчи» томонидан нотугри аниқланиши, уларнинг қиймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Таъминотчи» етказиб берилаётган товар махсулотнинг сифатини шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб қитоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи» га нотугри ҳисоб-қитоб қилинган сумманинг 20% микдорида пеня тулайди.

6.2. Агар етказиб берилган товар махсулотнинг сифати, ассортиментни, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада булмаган товар махсулот қийматининг 20% микдорида пеня тулайди.

6.3. Товар махсулот етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи «Истеъмолчи»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган товар махсулотнинг 20% микдорида пеня тулайди. Жаримадан ташқари «Таъминотчи» «Буюртмачи» га товар махсулот етказиб беролмаслиги натижасида аниқланган зарарни тулайди.

6.4. Товар махсулотни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Таъминотчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар махсулот қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5. Етказиб берилган товар махсулот учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» «Таъминотчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% микдорида пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### 7. ФОРС – МАЖОР.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу қаби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурий бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар қелиб қикан тақдирда томонлар, қоидага қура, мустақил равишда улар судгача хал этиш чорларини қурадилар.

8.2. Томонлар қелишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муружаат қилишга ҳақлидир.

8.3. Шартнома бузилиб узаро қелишилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлар асосида (ёки арбитраж) орқали хал қилинади.

#### 9. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати микдори ва суммаси туғрисидаги узғариш бўлса, олдиндан узаро қелишувга асосан узгартириш қиритилади.

9.2. Форс мижор ҳолатида шартнома бузилса, узаро қелишиб олинади.

9.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жихатидан тенг қучли ҳисобланади.

#### 10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Ушбу шартнома ҳудудий ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, биринчи нусхаси «Таъминотчи» да сақланади иккинчи нусхаси «Буюртмачи» да сақланади.

#### 11. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»

Оптом мебел МЧЖ

(етказиб берувчи номи)

«Буюртмачи»

Мархамат туман Халқ таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон вилояти Шахрихон тумани  
Назармаҳрам МФЙ  
Х/р 20208000905077315001  
Банк номи Хамкорбанк Шахрихон филиали  
МФО: 00039  
СТИР: 306429963

Манзил: Мархамат туман Мустиқиллик қуча №137

х/р: 401722860032277092100075009  
СТИР: 200286343  
ОКОНХ: 92400

Ғазначилик бўлинмаси номи.  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
ХВ: 23102000300100001010  
Тошқент ш. ББХКМ  
МФО: 00014 СТИР: 201122919

Раҳбар:

И. Мирзашарифов

Раҳбар:

Э. Қорабоев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ SV72722831**

**1. Loyihaning turi**

Shartnoma

**2. Loyihaning nomi**

“Optom Mebel” mas’uliyati cheklangan jamiyati tomonidan Marhamat tumani xalq ta’limi bo’limiga ja’mi 196 050 000 so’mlik mahsulotlarni yetkazib berish haqida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot**

Tuman xalq ta’limi bo’limi 18.05.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun talablariga muvofiq ravishda ishlab chiqilgan, imzolash maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**



**K.Abdusalomov**

**18.05.2022 yil**